



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2009 йил 12 сентябрь, № 180 (4843)

Шанба

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 11 сентябрь кунни Оқсаройда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котибини, МАТТ Ижроия кўмитаси директори ва Миллий мувофиқлаштирувчилар кенгаши мажлиси иштирокчиларини қабул қилди.



Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ШХТ саккиз йиллик фаолияти давомида минтақавий ва глобал хавфсизлик архитектурасини шакллантиришда муҳим роль ўйнаётган нуфузли халқаро ташкилотга айланди. Утган даврда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-гуманитар соҳаларда самарали ҳамкорлик-

ни кенгайтириш ва мустақамлаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди, ташкилот олдида турган гоят муҳим дастурий мақсад ва вазифаларни бажариш йўлида улкан қадамлар қўйилди. Президент Ислон Каримов Ўзбекистоннинг ШХТга раислиги даврида ташкилот фаолиятининг устувор йўналиш-

ларидан бири ШХТнинг амалдаги механизмларини ШХТ Хартиясида белгиланган мақсадлар, вазифалар ва тамойилларга мос тарзда такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишдан иборат эканлигини таъкидлади. Оқсаройдаги учрашувда ШХТ фаолиятининг устувор йўналишлари ва 2009-2010

йилларга мўлжалланган аниқ режалар муҳокама қилинди. ШХТ Бош котиби Б. Нургаллиев Ўзбекистон раҳбарига самимий қабул учун миннатдорлик изҳор этди ва ташкилот фаолиятининг самарадорлигини ошириш юзасидан билдиргани тақдирларини юксак баҳолади. Мулоқот чоғида ШХТ

Миллий мувофиқлаштирувчилар кенгашининг Тошкент шаҳрида ўтган мажлиси юксак самарали бўлгани, ШХТни ривожлантириш масалалари юзасидан очиқ ва атрафлича фикр алмашилгани қайд этилди.

(Ў.А.)
Сарвар ҲУРОНОВ
олган сурат.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 52-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 12 августда қабул қилинган
Сенат томонидан 2009 йил 28 августда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августда қабул қилинган 477-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сонга илова; 2001 йил, № 1-2, 11-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 8, 367-модда; 2008 йил, № 4, 185-модда; 2009 йил, № 1, 1-модда) 52-моддасининг иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги иккинчи ва учинчи қисмлар билан алмаштирилсин:

«Қуйидагилар шартнома бўйича (ихтиёрий) вакил бўла оладилар:

- 1) адвокатлар;
- 2) насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган ёки ён шажара бўйича қариндошлар, шунингдек эр (хотин) ёхуд унинг қариндошлари;
- 3) юридик шахсларнинг ходимлари — шу юридик шахсларнинг ишлари бўйича;
- 4) нотариот ташкилотларнинг ваколатли вакиллари — шу ташкилотлар аъзоларининг ишлари бўйича;
- 5) қонунга биноан бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқи берилган нотариот ташкилотларнинг ваколатли вакиллари;
- 6) биргаликда иштирок этувчилардан бири бошқа иштирокчиларнинг топшириғи бўйича;
- 7) ишни қўраётган суд томонидан ишда жисмоний шахсларнинг вакиллари сифатида қатнашишга рухсат берилган шахслар.

Судда иш юритиш бўйича вакил сифатида профессионал фаолият билан фақат адвокатлар шуғулланиши мумкин».

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2009 йил 11 сентябрь
№ УРҚ-218

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент!
Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик кунни байрами муносабати билан Испания ҳуқумати, халқи ҳамда ўз номидан Сиз, Жаноби Олийларига энг самимий табрикларни йўллайман.

Айни пайтда фурсатдан фойдаланиб, Сиз орқали жорий йилда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик байрамини нишонлаётган пойтахт аҳолисига ўзининг энг эзгу тилакларини изҳор этаман.

Мухтарам Президент, менинг биродар Ўзбекистон халқига фаровонлик, тинчлик ва равақ тилагуви истаklarимни қабул қилгайсиз.

Чуқур ҳурмат ва эҳтиром ила,

Хуан Карлос I,
Испания Қироли.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!
Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 18 йиллиги муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ва ўзбек халқига бахт ва фаровонлик тилаб, эзгу истаklarимни изҳор этаман.


Альберт II,
Бельгия Қироли.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!
Қутлуг сана — Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 18 йиллиги муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ҳамда Ўзбекистон ҳуқумати ва халқига ўзим ва Малайзия Қироличаси номидан самимий табрик ва қутловларни изҳор этаман.

Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ ва фаровонлик, Ўзбекистон халқига эса тинчлик ва равақ тилаб, эзгу истаklarини билдиришга ижозат этгайсиз.

Минзан Зайнал Абдин,
Малайзия Қироли.



Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар кўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

Унда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири ўринбосарларининг "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Президент Фармони ҳамда "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар ҳақидаги ахборотлари эшитилди.

Парламент ҳаёти

Йиғилишда қайд этилганидек, Президентимиз Фармонида кўрсатилган чоралар жaxon молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳам реал сектор корхоналарининг мунтазам равишда ишлаши, иқтисодиётнинг муттасил ва раван

ўсиши ҳамда улар асосида мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлайди. Зеро, ҳар бир мамлакат иқтисодиётининг тараққиёти маълум бир маънода унинг халқаро иқтисодий муносабатлари ривожига ҳам боғлиқ. Бунда, табиийки,

халқаро иқтисодий ҳуқуқ нормаларининг ижросидаги изчиллик ва кенг қамровлиликни таъминлаш лозим. Айтиш жоизки, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирилик юқоридаги масалалар бўйича кенг қамровли ишларни амалга ошираётган. Жумладан, корхоналарга жaxon бозоридан нархлар муттасил ўзгараётган шароитларда маҳсулотларни таннархига тенг ёки ундан

(Давоми 2-бетда).

Т. ТОУРА:

«ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЎЗБЕК МОДЕЛИ — ЖАМИЯТ ДЕМОКРАТИК РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЭНГ ЁРҚИН КЎРИНИШИДИР»

Ўзбекистонда мамлакат мустақиллигининг 18 йиллик байрами ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилеи муносабати билан ўтказилган байрам тантаналарининг хорижий сиёсий, ижтимоий, ишбилармон, эксперт-таҳлилий доиралари ҳамда оммавий ахборот воситаларида кенг шарҳланиши давом этмоқда.

Хусусан, Бельгиядаги Европа халқаро муносабатлар институти президенти И. Семинаторе Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакат мустақиллигининг 18 йиллиги байрами тантаналаридаги нутқи мазмунини юқори баҳолади.

Жумладан, И. Семинаторенинг таъкидлашича, мамлакат раҳбарияти томонидан танланган янги жамият қуришга йўналтирилган босқичма-босқич ва изчил амалга оширилган иқтисодий инқирози даврида яна бир бор исботлади. У Ўзбекистонга бир неча бор ташрифи мубайнида Ўзбекистоннинг мустақиллик йиллари даврида эришган ютуқлари, иқтисодиётининг барқарор ўсиш суръати, мамлакатнинг қиёфаси тубдан ўзгарishi, аҳоли турмуш даражасининг жадал юксалиши билан шахсан таниш эканини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Республикасининг Осака шаҳридаги факрий консули Тошио Тоуранинг таъкидлашича, ўзбек халқи ўзининг қўча ва қадимий маданиятини авайлаб асрайди, ўтган 18 йил давомида эса Тошкент истиклолнинг ёрқин рамзи бўлиб қолди ва замонавий пойтахт сифатида ривожланишида давом этмоқда.

— Ўзбекистон қадимдан Марказий Осиёнинг маркази ҳисобланиб келган ва Япония Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдордир. Агар Японияда ҳуқуқат раҳбарияти алмашадиган бўлса ҳам, давлатнинг Ўзбекистонга нисбатан ташқи сиёсий муносабати йўналиши ўзгармайди, балки Ўзбекистоннинг Япония ташқи сиёсатидаги ўрни ва аҳамияти ортиб боради.

Т. Тоуранинг фикрича, "Тараққиётнинг ўзбек модели жамият демократик ривожлани-

шининг энг ёрқин мисолидир, чунки ушбу жараёнда ортиқча ташқи таъсирларга берилиш ва шошма-шошарлик ачинарли оқибатларга олиб келиши мумкин".

Шу ўринда у Президент Ислон Каримовнинг мамлакат ҳаётининг барча ижтимоий ва иқтисодий тармоқларида илоҳотларни босқичма-босқич амалга оширишга мўлжалланган сиёсатини ижобий баҳолади ва ҳозирги даврда Ўзбекистон демократик жамияти мустақамлаш борасида тўғри йўлда эканига ишонч билдирди.

Малайзиянинг Тадбиркор хотин-қизлар халқаро ассоциацияси президенти Нораизза Борхон хоним Ўзбекистон мустақиллигининг 18 йиллик байрами ҳақида сўз юритар экан, мамлакатнинг ўтган йиллар давомида эришган муваффақиятларини юқори баҳолади.

Дунё нигоҳи

қич амалга оширишга мўлжалланган сиёсатини ижобий баҳолади ва ҳозирги даврда Ўзбекистон демократик жамияти мустақамлаш борасида тўғри йўлда эканига ишонч билдирди.

Саян-Шушенск ГЭСи қад ростлаётган даврда харажатлар, асосан, иншоотнинг пишиқ-пухталигига, ишлаш ва таъмирлаш учун қулайлигига путур етказиш, объектларнинг муҳим иншоотлари қийматини пайсатириш ҳисобига қисқартирилган эди. Бундан ташқари, лойиҳалаш ва қурилишнинг жуда тизим, қўлчан зарур молия манбаи билан мустаҳкамланмаган, моддий ресурслар билан таъминланмаган жадваллари ҳам юқоридагиларнинг изни билан ишлаб чиқиларди.

(Давоми 4-бетда).

ЕТТИ ЎЛЧАБ, БИР КЕС

ёки Марказий Осиёдаги трансчегаравий дарёларнинг юқори қисмида ишлаб турган ҳамда барпо этилаётган улкан гидроэнергетика иншоотларини қандай таҳдидлар яшириниб ётганини ҳақида

Жорий йилнинг 17 августда Россиядаги ноёб Саян-Шушенск ГЭСида содир бўлган авария мутахассислар ва экспертларнинг, умуман олганда, жамоатчиликнинг эътиборини яна Марказий Осиёдаги трансчегаравий дарёларнинг юқори қисмида ишлаб турган ва барпо этилаётган йирик гидроэнергетика иншоотлари муаммосига жалб этди. Биз учун содир бўлган ҳодиса-

нинг мохиятини теран англаш, ундан тегишли сабоқ чиқариш ҳамда келгусида бу тахлит факулда воқеалар келиб чиқишининг олдини олиш юзасидан чоралар кўриш гоятда муҳимдир. Авария содир бўлганга қадар Саян-Шушенск ГЭСи нақадар ноёб иншоот эканлиги, лойиҳа кўрсаткичларидан анчагина кўп миқдордаги электр энергиясини муваффақиятли тарзда ҳосил эта-

ётганини ҳақида озмунча ахборот берилмаган эди. Аммо материаллар билан чуқурроқ тани-

Холис назар

шишга киришсанг, унда фахрланишга арзийдиган ҳеч нарса йўқлигини тушуна бошлайсан, киши. Иншоотга асос солинган 1970-

йилларда устуворлик, асосан, тежамкорлик, қурилиш қийматини пайсатириш масалаларига қаратирилганини, иншоотни Давлат қурилиш дастурларига киритиш учун танловда шунга асосланганлигини эслаш жоиздир. Уша пайтларда ГЭС самарадорлигини баҳолашнинг амалда бўлган усулбияти объектнинг солиштирма кўрсаткичларини унинг қиймат доираси билан чекланарди.

(Давоми 2-бетда).



ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИНИНГ

мақсадли пул-буом ютуқли, тиражли лотереяси бўйича 2009 йил 10 сентябрда Хива шахрида ўтказилган II-ютуқлар тиражининг

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Мазкур ютуқлар тиражидида 1 та разряд бўйича умумий суммаси 875 067 840 сўмлик 145 600 та пул-буом ютуқлари ўйналди. Ютуқлар тиражи лотереянинг бир разряди бўйича ўтказилди. Масалан, серия рақами 001958, билет рақами 074* бўлган лотерея билетига суперютуқ — «CAPTIVA» автомобили чиққанлиги кўрсатилган. Серия ва рақами худди шундай лотерея билетининг иккинчи разряди бўйича ҳам шундай ютуқлар чиққан ҳисобланади.

Серияси ва рақами қуйидагича бўлган лотерея билетларига ютуқлар чиқди:

Table with 3 columns: Серия рақами, Билет рақами, Ютуқ номи. Contains lottery results for series 000024 to 001380.

Table with 3 columns: Серия рақами, Билет рақами, Ютуқ номи. Contains lottery results for series 001383 to 002663.

Table with 3 columns: Серия рақами, Билет рақами, Ютуқ номи. Contains lottery results for series 002668 to 004004.

Table with 3 columns: Серия рақами, Билет рақами, Ютуқ номи. Contains lottery results for series 004023 to 005457.

Т. ТОУРА:

«Тараққиётнинг ўзбек модели – жамият демократик ривожланишининг энг ёрқин кўринишидир»

(Давоми. Боши 1-бетда).

Малайзиянинг «Камариддин ва Ко» юридик компанияси раҳбари Камариддин Аҳмаднинг фикрича, Ўзбекистон қисқа давр ичида демократик жамиятни қуриш ва иқтисодий йўналишларга бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилган кенг қўламли ислохотларни амалга оширишда сезиларли натижаларга эришди. Ўзбекистон бир палатали парламентдан икки палатали парламент тизимига ўтди, сиёсий партияларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш ва фикрлар плюрализминини таъминлайдиган қонулар қабул қилди, мамлакат суд ҳуқуқ тизимини либерализация қилиш сари бормоқда.

мамлакат раҳбари қилинган ишларни сарҳисоб қилади, келажакка режалар белгилайди. Мана, бу гал ҳам Ўзбекистон Президентининг маълумотини ҳақиқатан ҳам, эътиборга сазовор бўлган ютуқлари ҳақида гурур билан гапирди. Ислоҳ Каримов Ўзбекистоннинг дунёвий демократик давлат барпо этиш тарафдори эканини яна бир бор тасдиқлади. Шу ўринда Ўзбекистон раҳбари, аввало, халқнинг қўллаб-қувватлашига ва эришилган натижаларга таянишда давом этади. Ишончим комилки, Ўзбекистонда амалга оширилган ислохотларнинг натижалари иқтисодиётни янада жадал ривожлантириш, мамлакат иқтисодий-сиёсий, маданий-туҳнавий ва иқтисодий ҳаётининг барча жаҳалларини кенг демократлаштириш, энг муҳими, инсон ҳуқуқлари ва унинг эркинликларига билан боғлиқ бўлган барча жиҳатларни ўз ичига олади. Бу ниҳоят, Ўзбекистон Республикасининг халқаро майдонда кенг эътироф этилганда. Мамлакат ўз таърих сиёсатини миллий манфаатлар ва умуминсоний қадриятларга таянган ҳолда юргизаётганига буғун ҳеч ким ортиқ шубҳа қилмайди.

Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, бу йил Ўзбекистон ўз пойтахтининг 2200 йиллик юбилейини нишонлади. Ҳам жиҳатли билан ўтказилган шодоналар Ўзбек халқининг ўз пойтахтини нечоғли севишини, унинг шонли тарихи билан нақадар фахрланишини кўрсатади. Ўзбекистон Президентини ўз нуқтаида дунё тамаддуни ривожига узларининг беэъзаби хиссаларини қўшган қўллаб-қувватловчи инсонларни вояга етказган шахар — Тошкентга бўлган муҳаббатини ҳам яширамди. Тошкент халқлар ўртасидаги тинчлик ва тотувликнинг рамзи сифатида ҳиндлар қалбидан ҳам алоҳида жой олган.

Афғонистоннинг «Ойна» биринчи хусусий телеканал директори С. Анвар давлатимиз раҳбарининг Тошкентнинг 2200 йиллик муносабати билан қилган маърузаси тафсилотида тўхталар экан, Ўзбекистон раҳбарининг «Бугун биз эришяётган асос ва марраларнинг асосий сабабини узокни кўзлаб, чуқур ўйлаган ҳолда қабул қилинган сиёсий қарорларимизда қўриш зарур», деган сўзларини алоҳида қайд этади.

С. Анварнинг фикрича, Ўзбекистондан кўп нарсани ўрганиш мумкин. Ҳар қандай мамлакат республикадан унинг энг яхши ва дунё эътироф этган жиҳатларини, масалан, Ўзбекистон Президентининг мамлакатни дунёнинг ривожланган давлатлари сафига олиб чиққан беш тамойилни намуна сифатида олиши мумкин ва шарт.

Ўзбекистон босиб ўтган ташқи ва тараққиётнинг машаққатли йўлига, мамлакатнинг сиёсат ва иқтисодиётдаги бугунги муваффақиятларига назар ташлашнинг ўзи кифоя қилади, дейиш асло муболага бўлмайди.

Тошкент юбилейи унинг ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинганидан сўнг туғилганлиги — нафақат қонунга мувофиқ, балки замонавий шахар ва шу билан бирга, давлатнинг тарихий маркази, сифатида ҳар қандай эътибор ва чуқур ўрганишга моликдир. Кўргизистон иқтисодий академияси раҳбари Д. Жапаров Ўзбекистон раҳбари мустақилликнинг ўтган 18 йили мубайида мамлакат-

да эришилган ютуқларга юқори баҳо берганига эътибор қаратади. — Ислоҳ Абдуғаниевичнинг маърузаларидан шу нарсаяққол кўришиб турибдики, барча қилинган ва бугунги кунда амалга оширилган ишлар мамлакат фуқаролари манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган бўлиб, бунда авваломбор, Ўзбекистон раҳбарининг хизмати чексиздир. Дарҳақиқат, мустақиллик йиллари осон кечмаган. Лекин кўлга киритилган энг муҳим ютуқ, бу, авваломбор, инсонга қаратилган, яъни ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларининг асослари шакллантирилди.

Бу — иқтисодий ҳаётнинг барча жаҳалларини кенг демократлаштириш, энг муҳими, инсон ҳуқуқлари ва унинг эркинликларига билан боғлиқ бўлган барча жиҳатларни ўз ичига олади. Бу ниҳоят, Ўзбекистон Республикасининг халқаро майдонда кенг эътироф этилганда. Мамлакат ўз таърих сиёсатини миллий манфаатлар ва умуминсоний қадриятларга таянган ҳолда юргизаётганига буғун ҳеч ким ортиқ шубҳа қилмайди.

Д. Жапаровнинг фикрига кўра, Ўзбекистондаги каби кудратли ва масъулиятли ҳокимиятга анъанавий жамиятнинг кўп асрлик негизларини, унинг ахлоқий қонуларини сақлаган ва ривожлантирган ҳолда, сақлаб қола олиши мумкинлигига унинг ишончи комил. Ўшбу жамиятнинг бутун мазмун-моҳияти Ислоҳ Каримовнинг «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тезисига ўз ифодасини топган.

Тошкентдаги байрам шодоналарини ойнаи жаҳон орқали кузатиб борган Германия тараққиёт банки (КФВ)нинг Бишкек шаҳридаги вакили Ш. Луцц ўтказилган тадбирларнинг юқори даражада ташкил этилгани ва уларнинг ниҳоятда сермазмунлиги Ўзбекистон давлатининг кудратли ва жамиятнинг етуқлигидан далолат беришини айтиди. Унинг фикрича, ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган янги жамиятни барпо этаётган Ўзбекистон Республикасининг фидокор халқи олдида турган буғунги ва истиқболдаги вазибалар самарали ҳал этилишини шубҳа йўқ. Ўзбекистоннинг бутун 18 йиллик мустақил миллий давлатчилик тарихи шундан дарах беради.

ЕТБ Кўргизистондаги ваколатхонаси раҳбари К. Наказаванинг таъкидлашича, «Тошкентнинг юбилей тарихий, маданий ва сиёсий аҳамиятга молик бўлган оламшумул воқеадир». Унинг фикрига кўра, «Тошкент — кўнча маданият шаҳри, Марказий Осиё ва бутун муслмон олами тарихида муҳим ўрин тутган шахар сифатида ҳақли равишда дунё тамаддунининг бешиги деб аталади ва бунинг учун барча асослар мавжуд. Ўзбекистон пойтахтининг инсоният тарихидаги бетакрор хиссаси дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилишида давлат мустақиллигининг илк кунлариданоқ миллий-маданий анъаналар, маданият мас-

Самарқанд шаҳридаги «Регистон-С» маҳаллалараро болалар футбол мактаби ташкил этилганига ҳали кўп бўлгани йўқ.

ЭПЧИЛЛИК ВА МАҲОРАТ МАКТАБИ

Бироқ айни пайтда республика тоифасидаги ҳакам Хайдар Кенжаев мураббийлик қилаётган ушбу мактабга ёшларнинг қизиқиши катта. Бу ердаги машғулотларда шаҳардаги — ун саккиз маҳаллада яшовчи 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар қатнашади.

Болалар спорти

Мактаб қошида тузилган «Регистон» болалар футбол жамоаси вилоят миқдосида ўтказиладиган мусобақаларда доимо муваффақиятли иштирок этиб келмоқда. Ўтган йили эса 13-14 ёшли маҳалла болалари ўртасидаги республика биринчилигида голиб чиқди.

Бугун «Регистон» да тўп суряётган ёшлардан умид катта. Жамоа дарвозабони Зафар Хамидов шу йилнинг май ойида Гулистон шаҳрида бўлиб ўтган «Умид

— Ватанимизда бунёдкорлик ишлари жадал суръатлар билан давом эттириляпти, — дейди жамоа ҳомийси, тадбиркор Облоқул Файзуллаев. — Шундай пайтда қўлдан иш келадиган одам бир четда турса бўлмас. Маҳаллада болалар спортини ривожлантиришга оз бўлса-да, ўз ҳиссани қўшаётганимдан хурсандман. Ўтган йили «Регистон» жамоасига янги автобус сотиб олишда ёрдам берганди. Ҳозирда футбол мактаби стадионини янада ободонлаштириш устида ишляяпти.

Абдурашул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хусусий операторлар фаолиятини ташкил этиш ва электр энергияси учун ўз вақтида ҳақ тўлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2009 йил 4 июлдаги 186-сонли қарорини бажариш юзасидан

«Samarqand elektr tarmoqlari» OAJ

танловда қатнашишга таклиф этади.

Танлов номи — Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳри истеъмолчиларидан электр энергияси тўловларини йиғиш вазифини бажарувчи хусусий операторни ташкил этиш учун инвестор танлови.

Танлов ўтказилишининг асосий шартлари: танлов очик тарзда ўтказилади, унда юридик шахслар ёки хусусий операторни ташкил этиш ва ушбу операторга юклатиладиган вазифа ҳамда мажбуриятларига мувофиқ фаолиятини таъминлаш учун техник ва молиявий имкониятга эга бўлган юридик шахслар — Ўзбекистон Республикаси резидентлари ёки норезидентлари иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Хусусий оператор фаолият юритиши учун таклиф этиладиган ҳудуд: Самарқанд вилояти, Каттақўрғон шаҳри.

Танлов ташкилотчиси — «Samarqand elektr tarmoqlari» OAJ, жойлашган манзили: Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси, 151-йўли.

Инвесторга қўйиладиган асосий талаблар: инвестор томонидан хусусий операторнинг фаолият юритиш ҳудудида электр энергияси учун пул маблағлари ўтказиш бўйича мажбуриятлар унинг томонидан танлов бўйича танлаш эълон қилинган пайтда амал қиладиган тарифлар бўйича фаолият ҳудудида берилган электр энергияси ўртача ойлик ҳажмининг уч баробари қийматига тенг бўлган сумма доирасида бажарилиши юзасидан банк кафолати берилиши;

танлов ҳужжатларида белгиланган шартларга мувофиқ электр энергияси истеъмолчиларига зарур бўлган даражада хизмат кўрсатишни таъминлаш. Дастлабки малакавий танлов ўтказиш жойи ва мuddати: Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси, 151-йўли. Малакавий танлов эълон ОАВда чоп этилган кундан бошлаб ариза бериш мuddати тугагунга қадар давом этади.

Ариза беришнинг сўнгги мuddати — 2009 йил 8 октябрь соат 17.00 гача.

Танлов ўтказилиши мuddати — 2009 йил 9 октябрь соат 10.00 да.

Дастлабки малакавий саралашдан ўтиш учун инвесторлар танлов ташкилотчисига қўйиладиган ҳужжатлари тақдим этишлари лозим: инвестор банкротлик ҳолатида эмаслигини тасдиқловчи Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармаси маълумотномаси;

инвестор қайта тузилиш ёки тугатилиш босқичида эмаслигини тасдиқловчи давлат рўйхатидан ўтказувчи орган маълумотномаси;

давлат рўйхатидан ўтказувчи тегишли орган томонидан берилган, инвестор юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси, низоми ва таъсис ҳужжатлари;

инвесторнинг бюджет ва бюджетдан ташқари жамағарлардан қарзи йўқлиги ҳақидаги ДСИ

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси жамоаси Қўрақоблистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Қўрақоблистон, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Арзибике Жанибековага онаси

маълумотномасининг асл нусхаси ҳамда ваколатли банк томонидан бериладиган инвесторнинг эълон чоп этилиш пайтидан бошлаб асосий ҳамда иккиламчи ҳисоб рақамлари, картотека (К-2) бўйича қарзи йўқлиги тўғрисида маълумотномаси;

«Ўзбекэнерго» ДАК томонидан бериладиган, инвестор «Ўзбекэнерго» ДАК ва/ёки унинг корхоналари билан суд ва арбитраж жараёнлари ҳолатларида эмаслиги тўғрисида маълумотномаси;

ҳудудий электр тармоқлари томонидан бериладиган, инвестор истеъмол қилинган электр энергияси учун қарзи йўқлиги тўғрисида маълумотномаси.

Қўйиладиган инвесторлар танловда қатнашишга қўйилмайди:

танлов ҳужжатлари мувофиқ барча зарур бўлган ҳужжатлари белгиланган мuddатларда тақдим этмаган;

тугатилиш ёки банкротлик ҳолатида бўлган;

танлов эълон қилингунга қадар бир йилдан кам мuddат ичида таъсис этилган;

«Ўзбекэнерго» ДАК ва/ёки унинг корхоналари билан суд муҳокамаси ҳолатида бўлган.

Танлов ҳужжатларини олиш жойи ва шартлари, танлов ҳужжатлари учун тўлов, шунингдек, гаров суммаси миқдори ва уш тўлаш тартиби.

Танлов ҳужжатларини олиш учун инвесторлар ўтказиладиган танлов бўйича танлаш доирасида олинадиган махфий ахборотни ошкор қилмаслик тўғрисида шартнома имзолайдилар ва «Samarqand elektr tarmoqlari» OAJнинг қўйидаги ҳисоб рақамига танлов ҳужжатлари учун тўлов суммасини ўтказадилар: 20210000802611704162, «Кредит Стандарт» ЧОАБ, Самарқанд шаҳри, МФО: 01023, СТИР: 200613520, ХТТУТ 11710.

Танловда иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан қўйидаги манзилга мурожаат этиш лозим: Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси, 151-йўли, «Samarqand elektr tarmoqlari» OAJ. Телефон: (8-366) 231-11-42.

Танлов ҳужжатлари пакетини юқорида кўрсатилган манзилдан қайтариб берилмайдиган энг кам иш ҳақининг ўн баробари миқдорида сумма ўтказилганидан сўнг олиш мумкин. Танлов таклифлари энг кам иш ҳақининг минг баробари миқдорида бўлган гаров суммаси билан кафолатланган бўлиши лозим.

Танлов ҳужжатлари пакети учун учинчи шахслар тўловни амалга оширишлари тақиқланади.

Маълумот олиш учун иштирокчилар танлов ташкилотчисига танлов таклифларини қабул қилиш мuddати тугагунга қадар ҳар кун маҳаллий вақт билан (шанба ва яқшанбадан ташқари) соат 10.00 дан 17.00 гача мурожаат этишлари мумкин.

Тошкент молия институти ректорати Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси профессори

Мусақул УСМОНОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва ақинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Table with 3 columns: Серия рақами, Билет рақами, Ютуқ номи. Lists lottery tickets and prizes.

Table with 3 columns: Серия рақами, Билет рақами, Ютуқ номи. Lists lottery tickets and prizes.

Table with 3 columns: Серия рақами, Билет рақами, Ютуқ номи. Lists lottery tickets and prizes.

Table with 3 columns: Серия рақами, Билет рақами, Ютуқ номи. Lists lottery tickets and prizes.

Изоҳ: *) шу сериянинг қолган 199 та билет рақамларига 1 000 сўмдан юқуриқ чиқди. Буюм ютуқли лотерея билетлари Халқ банки филиаллари томонидан экспертиза қабул қилинади ва ютуқлар экспертиза ҳулосасига кўра туланади. Пул ютуқлари тўлови банк муассасалари томонидан жойида амалга оширилади. Ютуқли билетлар II-ютуқлар тиражи ўтказилган кундан бошлаб 3 ой мuddат ичида тўловга қабул қилинади. Мазкур мuddат тугагандан сўнг ютуқли лотерея билетлари ўз кучини йўқотади ва тўловга қабул қилинмайди.

Ҳайъат раиси — Хива тумани ҳокимининг уринбосари Масыул котиб — Халқ банки бошқарувининг Пул муомаласи департаменти директори уринбосари

К. ШАРИПОВ М. САИДОВ

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма К — 803. 36192 нусxada босилди, ҳажми — 2 таблиц, Offset усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибхона 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Ташхирингта келган қўлмағлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилади. Реклама материаллари учун таххирингта жаъобгар эмас. Газета таххирингта компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғоев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди. 1-Тижорат материалли «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Тўрқон» кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 22.10 Тошхирингта — 23.20 ISSN 2010-8788

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орипов, Навбатчи муҳаррир — А. Қўтбидинов, Навбатчи — Д. Улуғмуродов, Муссаҳҳх — С. Исломов. 1 2 3 5